

ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Абдуллаев Фаррух Фарходович
Департаментнинг Тошкент вилояти
бошқармаси тергов бўлими АМИБ
терговчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишнинг долзарб назарий ва амалий муаммолари тадқиқ этилган. Хусусан, мамлакатимиз қонунчилигига, жумладан, 2026 йил 22 июндаги ЎРҚ-1155-сонли Қонунга асосан коррупциявий жиноятлар доирасининг кенгайтирилиши, уларнинг турдош жиноятлардан фарқлаш мезонлари очиқ берилган. Шунингдек, тергов ва суд амалиётида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томонини (қасд, ғаразли ният) исботлашдаги қийинчиликлар, махсус субъект мақомини аниқлашдаги зиддиятлар таҳлил қилинган. Мақола сўнгида қонунчиликни такомиллаштириш, тушунчалар аппаратини аниқлаштириш ҳамда Олий суд Пленумининг тушунтиришлари асосида ягона суд амалиётини шакллантириш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, жиноятларни квалификация қилиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, пора олиш, субъектив томон, махсус субъект, суд амалиёти.

**Проблемы квалификации коррупционных правонарушений в
уголовном праве Узбекистана**

Аннотация: В статье исследуются актуальные теоретические и практические проблемы квалификации коррупционных правонарушений в уголовном праве Республики Узбекистан. В частности, раскрыты вопросы расширения круга коррупционных преступлений в соответствии с законодательством, в том числе Законом Республики Узбекистан № 1155 от 22 июня 2026 года, а также критерии отграничения их от смежных составов преступлений. Проанализированы трудности доказывания субъективной стороны коррупционных правонарушений (умысла, корыстной заинтересованности) и выявления статуса специального субъекта в следственной и судебной практике. В заключение предложены научно-практические рекомендации по совершенствованию законодательства, уточнению понятийного аппарата и формированию единообразной судебной практики на основе разъяснений Пленума Верховного суда.

Ключевые слова: коррупция, коррупционные правонарушения, квалификация преступлений, злоупотребление должностными полномочиями, получение взятки, субъективная сторона, специальный субъект, судебная практика.

Problems of Qualifying Corruption Offenses in the Criminal Law of Uzbekistan

Abstract: The article examines the current theoretical and practical problems of qualifying corruption offenses in the criminal law of the Republic of Uzbekistan. In particular, it highlights the expansion of the scope of corruption-related crimes in accordance with recent legislation, including the Law of the Republic of Uzbekistan No. 1155 dated June 22, 2026, as well as the criteria for distinguishing them from related crimes. The difficulties in proving the subjective side of corruption offenses (intent, mercenary motive) and determining the status of a special subject in investigative and judicial practice are analyzed. In conclusion, scientific and practical

recommendations are proposed aimed at improving legislation, clarifying the conceptual framework, and establishing uniform judicial practice based on the explanations of the Plenum of the Supreme Court.

Keywords: corruption, corruption offenses, qualification of crimes, abuse of official authority, bribery, subjective side, special subject, judicial practice.

Замонавий Ўзбекистонда давлатида коррупция ҳуқуқ-тартибот барқарорлиги, давлат бошқаруви самарадорлиги ва фуқароларнинг ҳокимият институтларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатувчи энг хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисалардан биридир. Коррупциявий ҳолатлар қонунийлик, тенглик ва адолат тамойилларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади, иқтисодий хавфсизликка путур етказди ҳамда давлат ва ўз-ўзини бошқариш органларнинг нормал фаолият юритишига таҳдид солади.

Миллий коррупцияга қарши дастурларни амалга ошириш ва қонунчиликни такомиллаштириш шароитида коррупциявий жиноятларлар учун юридик жавобгарлик институти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 22 июндаги “Айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1155-сон Қонунига кўра Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисми «д» бандида, 168-моддаси 4-қисми «г» бандида, 192-9, 192-10-моддаларида, 192-11-моддаси 2-қисми «в» бандида, 205-моддаси 2-қисми «в» бандида, 206-моддаси 2-қисми «в» бандида, 208-моддаси 2-қисмида, 209-моддаси 2-қисми «в» бандида, 210, 211, 212, 213, 214, 214-1, 214-2-моддаларида ва 301-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятлар ҳамда ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят, агар мазкур жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган

бўлса¹коррупцияга оид жиноятлар этиб белгиланди. Бироқ мазкур институтнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тегишли қилмишларни тўғри квалификация қилишга боғлиқ.

Квалификация босқичида йўл қўйилган хатолар бу турдаги моҳиятининг бузиб талқин қилинишига, мутаносиб бўлмаган жазони тайинлашга ёки айбдор шахсларни жавобгарликдан озод қилишга олиб келади.

Суд-тергов амалиёти шуни кўрсатадики, коррупциявий жиноятларни квалификация қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар учун энг мураккаб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу коррупциявий қилмишларнинг мураккаблиги, уларнинг турли шаклларда намоён бўлиши, шунингдек, амалдаги қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар ва зиддиятлар билан боғлиқ. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда ягона ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги суд амалиётининг бир хил бўлмаган тарзда шаклланишига олиб келмоқда.

Жиноят қонунчилигида коррупциянинг асосий таърифи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-419-сон қонунда белгиланган. Унга мувофиқ, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этишни ўз ичига олади². Шу билан бирга, қонунчиликда “коррупциявий ҳуқуқбузарлик” атамаси бевосита очиб берилмаган. Бу эса илмий-назарий баҳсларга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян мураккабликларга сабаб бўлмоқда. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар қатор белгилар билан тавсифланади. Улар қаторига: махсус субъектнинг мавжудлиги, хизмат мавқеидан фойдаланиш, ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлик, шунингдек, қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.06.2026 йилдаги ЎРҚ-1155-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.06.2026 й., 03/26/1155/0616-сон)

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон.
<https://lex.uz/ru/docs/3088008>

зарар етказиш киради. Ижтимоий хавфлилик даражасига караб, бундай қилмишлар жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ёки интизомий хатти-ҳаракатлар таркибини ҳосил қилиши мумкин.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар таркибини фарқлаш муаммолари

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишдаги асосий муаммолардан бири коррупцияга йўналтирилган турдош жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибини бир-биридан фарқлаш ҳисобланади. Амалиётда энг кўп муаммо пора олиш, пора бериш, тижорат пораси ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини бир-биридан ажратишда юзага келади. Мансабдор шахс ҳаракатларининг ҳақ эвазига амалга оширилган ёки оширилмаганлигини аниқлаш алоҳида мураккаблик туғдиради. Айрим ҳолларда хизматлар кўрсатиш, хизмат бўйича ҳомийлик қилиш ёки мансаб ваколатлари доирасида ҳаракатларни амалга ошириш хато равишда пора предмети сифатида тан олинмайди. Бу эса қилмишнинг нотўғри квалификация қилинишига олиб келади³.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни фарқлашда ҳам қўшимча қийинчиликлар юзага келади. Қонунчиликда майда пора бериш ва олишнинг белгиларини белгилаш ҳар доим ҳам жиноят билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш имконини бермайди. Бу эса ҳуқуқни қўлловчи органнинг ихтиёрий ёндашуви хавфини юзага келтиради.

Давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари хизмат соҳасида содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш масаласи ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Мансабдор шахс мақомини, айниқса, давлат иштироки мавжуд бўлган ташкилотларда аниқлашга нисбатан ёндашувларнинг бир хил эмаслиги қилмишларга ҳуқуқий баҳо бериш жараёнини сезиларли даражада

³ Королева З.И. Исключительные обстоятельство как основания наказания по УК РФ // Ж. Российский следователь. – 2008. – №10. – 17-19 с.

мураккаблаштиради ва ҳуқуқий аниқлик даражасини пасайтиради. Шу ўридан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш муаммолари ҳақида тўхталадиган бўсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти амалиёти шуни кўрсатадики, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишдаги хатоларнинг энг кўп қисми дастлабки тергов босқичида содир бўлади. Тергов органлари шахснинг ғаразли манфаатдорлиги ва тўғридан-тўғри қасди мавжудлигини тасдиқловчи далиллар базасини тўплашда қийинчиликларга дуч келадилар. Прокуратура органлари фаолиятида квалификация билан боғлиқ муаммолар жинойт ишларини кўзғатиш ва тергов қилишнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Кўпинча қилмишларни асоссиз равишда қайта квалификация қилиш ёки жинойт таркиби исботланмаганлиги сабабли жинойт таъқибни тугатиш ҳолатлари аниқланади.

Худди шунингдек, суд босқичида ҳам квалификация билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Судлар терговдаги бўшлиқларни тўлдиришга, далилларни мустақил равишда баҳолашга ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга мажбур бўладилар. Ягона услубий ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги ўхшаш ишлар бўйича суд қарорларида тафовутлар юзага келишига сабаб бўлади.

Яна бир мавжуд муаммо коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томонини аниқлаш муаммолари коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишдаги жиддий қийинчиликлар уларнинг субъектив томонини аниқлаш билан боғлиқ. Коррупциявий жинойтларнинг аксарият таркиблари учун мажбурий белги шахснинг тўғридан-тўғри қасди ҳамда ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик таркибининг мазкур элементларини амалиётда исботлаш сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари формал жиҳатдан коррупциявий ҳуқуқбузарлик белгиларига мос келади, бироқ шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли

хусусиятини англагани ва ғайриқонуний оқибатлар келиб чиқишини истаганини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмайди. Бу эса қилмишнинг қайта квалификация қилинишига ёки айб исботланмаганлиги сабабли иш юритишнинг тугатилишига олиб келади⁴. Ғаразли манфаатдорликни хизмат вазифаларини бажаришдаги хатодан фарклаш алоҳида мураккаблик туғдиради. Мансабдор шахс хулқ-атворининг мотивини нотўғри баҳолаш уни асоссиз равишда жавобгарликка тортишга ёки, аксинча, айбдор шахснинг жазодан қутулиб қолишига олиб келиши мумкин. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томонини баҳолашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида зиддиятли ёндашувларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Квалификация сифатини ошириш учун далилларнинг мажмуидан фойдаланиш зарур деб ҳисобланади. Бунда молиявий-иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш, хизмат ёзишмалари, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу шахс қасдининг йўналиши ва унинг хулқ-атвор мотивларини янада аниқ белгилаш имконини беради. *Бизга коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш масалалари бўйича умумий юрисдикция судлари қарорларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, коррупцияга оид ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқбузарлик таркибининг объектив ва субъектив белгилари мажмуини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, ўхшаш ҳолатларни баҳолашда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги турли ҳуқуқий оқибатларга олиб келмоқда. Шундай қилиб, айрим суд қарорларида қонунга хилоф равишда мукофот олиш пора олиш сифатида квалификация қилинса, шунга ўхшаш фактик ҳолатларда бошқа ишлар бўйича судлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш аломатлари мавжуд деган хулосага келмоқдалар. Бундай бир хил бўлмаган ёндашув пора эвазига ҳаракат қилиш белгиси ва кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятини турлича талқин*

⁴ Сигалаев, Д. В. Проблемы квалификации коррупционных правонарушений в российском праве / Д. В. Сигалаев. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2026. — № 21 (624). — С. 520-523. — URL: <https://moluch.ru/archive/624/137258>.

қилиш билан изоҳланади⁵. Шу ўринда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий тартибда жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш амалиёти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Судлар кўпинча майда пора бериш ёки олиш билан юридик шахс номидан қонунга хилоф равишда мукофот бериш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни бир-биридан фарқлаш муаммосига дуч келадилар. Ушбу босқичда йўл қўйилган хатолар юқори турувчи инстанциялар томонидан суд қарорларининг бекор қилинишига олиб келади. Суд амалиёти таҳлили коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш мезонларини янада аниқроқ норматив жиҳатдан белгилаш, шунингдек, юқори суд органларининг тушунтиришларини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади. Илмий адабиётларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш муаммоларини бартараф этиш йўллари ҳақида турли нуқтаи назарлар билдирилган. Айрим муаллифлар қонунчиликка коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг мустақил тушунчасини киритиш зарурлигини таъкидлайдилар. Бу тегишли ҳуқуқбузарлик таркибларини тизимлаштириш ва уларни бир-биридан фарқлашни соддалаштириш имконини берган бўлар эди.

Бошқа тадқиқотчилар коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг махсус субъекти институтини такомиллаштиришга эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг фикрича, мансабдор шахс тушунчасини кенгайтириб талқин қилиш юридик аниқлик тамойилига салбий таъсир кўрсатади ва ушбу тушунчани норматив жиҳатдан аниқлаштиришни талаб қилади⁶. Шунингдек, ҳуқуқ доктринасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томонини исботлаш сифатини ошириш муҳимлиги таъкидланади. Молиявий-иқтисодий экспертизалардан,

⁵ Халилев Р.А. Оперативно-розыскные мероприятия, осуществляемые при расследовании коррупционных преступлений в сфере образования: проблемы законодательного регулирования / Р. А. Халилев // Ученые записки Крымского федерального университета имени В.И. Вернадского. Юридические науки. – 2022. – Т. 8, № 1. – С. 212-215. – EDN FOYENV.

⁶ Кунтыш М.А. К вопросу о видах коррупционных преступлений, совершаемых должностными лицами в сфере образования / М.А. Кунтыш // Уголовный закон: современное состояние и перспективы развития: : Материалы II Международной научно-практической конференции, приуроченной ко дню принятия Уголовного Кодекса РФ, Воронеж, 25 мая 2018 года. – Воронеж: Общество с ограниченной ответственностью «АМиСта», 2018. – С. 180-189. – EDN UVKIOW

хизмат ҳужжатларини ва рақамли изларни таҳлил қилишдан кенгроқ фойдаланиш таклиф этилмоқда. Бу нотўғри квалификация қилиш хавфини камайтириш имконини беради. Юқоридагиларга кўра хулоса қиладиган бўлсак, ўтказилган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, шуни таъкидлаш лозимки, *коррупциявий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш муаммолари ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларнинг мавжудлиги ҳам қонунчиликдаги бўшлиқлар, ҳам ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдаги суд ёндашувларининг бир хил эмаслиги билан боғлиқ.*

Коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг турдош таркибларини бир-биридан фарқлаш, махсус субъектни аниқлаш ва қилмишининг субъектив томонини исботлаш ҳуқуқни қўлловчи органлардан юқори даражадаги касбий малака ва ягона услубий ёндашувларни талаб қилади.

Аниқ мезонларнинг мавжуд эмаслиги кўп ҳолларда суд хатоларига олиб келади ва давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини пасайтиради.

Шунинг учун коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни янада ривожлантириш тушунчалар аппаратини аниқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларини кенгайтириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришга йўналтирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.06.2026 йилдаги ЎРҚ-1155-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.06.2026 й., 03/26/1155/0616-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон. <https://lex.uz/ru/docs/3088008>
3. Королева З.И. Исключительные обстоятельство как основания наказания по УК РФ // Ж. Российский следователь. – 2008. – №10. – 17-19 с.
4. Сигалаев, Д. В. Проблемы квалификации коррупционных правонарушений в российском праве / Д. В. Сигалаев. — Текст : непосредственный // Молодой

ученый. — 2026. — № 21 (624). — С. 520-523. — URL:
<https://moluch.ru/archive/624/137258>.

5. Халилев Р.А. Оперативно-розыскные мероприятия, осуществляемые при расследовании коррупционных преступлений в сфере образования: проблемы законодательного регулирования / Р. А. Халилев // Ученые записки Крымского федерального университета имени В.И. Вернадского. Юридические науки. — 2022. — Т. 8, № 1. — С. 212-215. — EDN FOYENV

6. Кунтыш М.А. К вопросу о видах коррупционных преступлений, совершаемых должностными лицами в сфере образования / М.А. Кунтыш // Уголовный закон: современное состояние и перспективы развития: : Материалы II Международной научно-практической конференции, приуроченной ко дню принятия Уголовного Кодекса РФ, Воронеж, 25 мая 2018 года. — Воронеж: Общество с ограниченной ответственностью «АМиСта», 2018. — С. 180-189. — EDN UVKIOW